


Миробод тумани ХТ
Мудири в.в.б



Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун

Танлаш бўйича харид қилиш хужжатлари:

Миробод тумани ХТБга қарашли

218-сонли умумтаълим мактаби спорт майдонини жорий
таъмирлаш бўйича энг яхши таклифни танлаш

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби Танлаш
комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган:

Миробод тумани ХТБ

Тошкент - 2022 й.

МУНДАРИЖА

I. Танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатмалар. II. Танлашнинг нарх қисми,

Танлов хуёзжатларининг шаклари ва аризалари, Ариза берувчи учун мезонлар.

I. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1	Умумий қоидалар.	1.1	Бу қўлланма Узбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги конуни ва Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг “Харид қилиш тартибтаомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016 рўйхат раками билан рўйхатдан ўтказилган буйруқларига асосан ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлаш ўтказиш мақсади: Миробод тумани 218-сонли умумтаълим мактаби спорт майдонини жорий таъмирлаш
		1.3	Том қисмини жорий таъмирлаш 457 807 521 сум ККС билан
		1.4	Таклифда кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
		1.5	Сотиб олинадиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) учун техник топшириқлар ушбу хужжатнинг техник қисмida келтирилган.
		1.6	Танлов комиссияси йигилишининг шакллари - кундузги
2	Танлаш ташкилотчилари ва манзили	2.1	Танлаш ўтказиш Буюртмачиси Миробод тумани ХТБ (кейинги ўринларда «Буюртмачи») ҳисобланади. «Буюртмачи» манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Миробод кўчаси 8-ий

		<p>«Буюртмачи» реквизитлари:</p> <p>Юридик манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани Миробод кӯчаси 8-уй</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги</p> <p>Ғазначилиги</p> <p>Хисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010</p> <p>Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-китоб касса маркази</p> <p>ИНН: 201 122 919 МФО: 00014</p> <p>ОКЭД: 86100</p> <p>Шахсий ҳисоб</p> <p>раками: 100022860262737092100075036</p> <p>ИНН: 201534627</p>
	2.2	Масъул шахс: Тешабоев Илёс тел.: +(998 71) 256-30-47
	2.3	Комиссиянинг ишчи органи Миробод тумани ХТБ Танлов комиссияси (кейинги ўринларда "Ишчи орган" деб юритилади) ҳисобланади. Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани Миробод кӯчаси 8-уй
	2.5	Танлов буюртмачи томонидан тузилган (камида беш аъзодан иборат) танлов комиссияси томонидан ўтказилади, у танлов учун вақтинчалик комиссия ҳисобланади.
3	Танлов қатнашчилари	3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2 -банда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.
4	Танлов ўтказиш тартиби	<p>4.1 Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчиси:</p> <p>а) танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);</p> <p>б) Танловда камида бир йиллик тажрибага эга бўлган ушбу турдаги ишлар ва хизматларни бажариш ҳукукига эга бўлган барча ташкилотлар қатнашиши мумкин.</p> <p>в) Танлов хужжатлари талабларига</p> <p>4.2 Танловда куйидаги қатнашувчиларга рухсат берилмайди:</p>

			<p>қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ташкилотларга;</p> <p>"Буюртмачи" билан суд ёки бошқа келишмовчилик ҳолатида бўлган ташкилотларга;</p> <p>виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган;</p> <p>солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд ташкилотларга;</p> <p>бир йилдан кам иш тажрибасига эга бўлган ташкилотлар;</p> <p>зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вактида тақдим этмаган ташкилотлар;</p> <p>Иш ва хизматларни бажариш учун лицензия ва сертификатлар йўқлиги (агар иш тури маҳсус лицензияни талаб қилса)</p> <p>Юқорида айтиб ўтилган мажбурий ҳужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обруси, иш тажрибаси ва бошқаларни акс эттирувчи қўшимча маълумотли ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқукига эга.</p>
	4.3		<p>"Буюртмачи" қўйидаги ҳолларда танлов иштирокчисини танловдан четлатиши мумкин:</p> <p>иштирокчи буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига, ходимига тўғридан-тўғри ёки билвосита танловда ғолиб бўлиш учун ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишига таъсир қилиш мақсадида ҳак тўлашни ёки ҳар қандай шаклдаги рафбатлантиришни таклиф қилса;</p>
			<p>Агар иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз ракобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.</p>
5	Танлов тили, ўлчов бирлиги.	5.1	<p>Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.</p>
6	Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби	6.1	<p>Танлов иштирокчиси:</p>

		тақдим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг ҳақиқийлиги, ва тўғрилиги учун жавобгардир;
		Иштирокчи фақат битта таклифни тақдим этиш ҳукуқига эга;
		Иштирокчи таклифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки ўзгартериш ҳукуқига эга эмас.
7	Бошқа шартлар	<p>7.1 Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтириш бериш учун комиссия аъзоларига мурожаат қилиш ҳукуқига эга.</p> <p>7.2 Танлов комиссияси куйидаги ҳолларда танлов амалга ошмади деб топиши мумкин: агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, танлов комиссияси танлов хужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса;</p>

II. НАРХ ҚИСМИ

1	Чегаравий қиймати	457 807 521 сўм ҚҚС билан
2	Молиялаштириш манбаи	Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги
3	Тўлов шартлари	<p>Хизмат ҳақи шартнома тузилгандан сўнг, шартнома миқдорининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.</p> <p>Якуний тўлов 70% тўлик маҳсулот етказиб берилигандан сўнг амалга оширилади.</p>
4	Тўлов валютаси	Сўм - Узбекистон Республикаси валютаси
6	Бажариш, етказиб бериш муддати (хизматлар, ишлар)	2022 йил 31 декабргача

Олдиндан тўлов миқдори (%)

Кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ шартнома тузилгандан сўнг, шартнома суммасининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хизмат ҳақи имзоланган ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар далолатномалари асосида тўланади. Актга ижро ҳужжатлари илова килиниши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги (товар белгилари, Давлат стандарти, нав, товар номлари ва бошқалар)